# Ш А Р Т Н О М А № 2

Махсулот етказиб бериш ва сотиш хакида

_______________________ 18 Январ 2022 йил

(шахар, туман, кишлок)

*__Хушнудбек Шайдо оилавий корхонаси__* бундан буён матнда «Сотувчи» деб аталувчи номидан рахбари **Ш.Худайберганова** фаолиятини Устав асосида амалга оширувчи бир томон ва [illegible] бундан буён матнда «Харидор» деб аталувчи номидан З.Х. Мадримов фаолиятини устав асосида кўрсатувчи, иккинчи томон, қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузди́лар.

## 1.Шартнома предмети

**1.1.** "Сотувчи" шартномада кўрсатилган махсулот(лар)ни беради, "Харидор" эса шартномада кўрсатилган махсулот хакини ўз вактида ва белгиланган тартибда тўлангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

**1.2.**

| № | Махсулот тури | Ўл.бир. | Микдори | Нархи | Нархи ККСсиз | Умумий киймати |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Печенье | кг | 160 | 15750 | | 2520000 |
| 2 | | | | | | |
| 3 | | | | | | |
| 4 | | | | | | |
| 5 | | | | | | |
| | **Жами** | | | | | 2520000 |

## 2. Шартнома нархи, бахоси, суммаси (киймати)

**2.1**. Шартноманинг умумий киймати ККСсиз 2520000 (икки миллион беш юз йигирма минг) сўмни ташкил килади

## 3. Тўлов шартлари

**3.1.** "Харидор" "Сотувчи"нинг хисоб ракамига шартномада кўрсатилган махсулот микдорининг 30 фоизини олдиндан 5 банк иш кунида ўтказишни ўз зиммасига олади. Қолган 70 фоизи махсулот етказилгандан кейин 10 кун давомида ўтказилади.

**3.2.** Тўлов тури: пул ўтказиш.

## 4. Шартноманинг бажарилиш муддати

**4.1.** Шартноманинг 2.1-бандида кўрсатилган махсулот "Харидор"га шартнома имзолангандан кейин, шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган олдиндан тўлов микдори ўтказилгандан сўнг 3 кун вакт ичида берилиши шарт.

**4.2.** Шартноманинг амал килиш муддати: имзоланган кундан бошлаб 2022 "31" декабргача ўз кучида колади.

## 5. Тарафлар хукуклари

**5.1.** "Харидор"нинг хукуклари:

**5.1.2**. "Сотувчи"дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб килишга хаклидир.

**5.2.** "Сотувчи"нинг хукуклари:

**5.2.1** Ушбу шартнома асосида белгиланган махсулотлар учун олдиндан хак тўлашни ва амалдаги шартнома ва конун хужжатларида белгиланган тартибда хисоб-китобларни амалга оширишни "Харидор"дан талаб килишга;

**5.2.2**. "Харидор"дан шартнома шартларини 30 кун ичида бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, махсулотни кабул килишда асоссиз равишда рад килиш натижасида етказилган зарарни талаб килишга хаклидир.

## 6. Тарафлар мажбуриятлари

**6.1**. "Сотувчи" мажбурияти:

**6.1.1**. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя килган холда ўз вактида "Харидор"га махсулотни бериш;

**6.1.2**. Тегишли даражада сифатли махсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни 10 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан

**6.2**. "Харидор" мажбурияти:

**6.2.1.** Махсулотни кабул қилиш далолатномасини тузган холда ушбу шартномада ва қонун хужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига караб муддатида махсулотни кабул қилиб олиш;

**6.2.2.** Тегишли даражада сифатли бўлмаган махсулот келиб тушгани аникланган кейин, бу ҳақида далолатнома ёзиб, 24 соат ичида "Сотувчи"ни огохлантириш.
**6.2.3.** Махсулотнинг бахосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

## 7. Тарафлар жавобгарлиги

**7.1.** Махсулот бериш вактида шартнома бандларига тўлиқ риоя қилмаганлиги учун айбдор тараф бошка тарафга етказилган зарарни тўлик қоплайди ва кечиктирилган хар бир кун учун 0,05 миқдорида пеня тўлайди, лекин 50 % миқдоридан ошиб кетмаслиги керак.
**7.2.** Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулкни ўз вактида алмаштиришдан бош тортса, "Сотувчи" 0,05% миқдорида жарима тўлайди.
**7.3.** Махсулот учун "Харидор" ўз вактида ёки тўлиқ тўловни амалга оширмаган бўлса, кечиктирилган хар бир кун учун маблағ миқдоридан 5% пеня тўлайди, лекин 50% миқдордан ошиб кетмаслиги керак.
**7.4.** Кўзда тутилган бўлса, "Харидор" хар бир ўтказиб юборилган кун учун "Сотувчи"га омборда сақланганлигидан келиб чиккан зарар учун 5% миқдорида жарима тўлайди.
**7.5.** Жарима тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

## 8. Форс-мажор холатлар

**8.1.** Хар бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фукаролар тартибсизлиги, эпидемия, ер кимирлаши, сув тошкини, ёнғин ва бошка табиий офатлар шулар жумласидандир.
**8.2.** Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

## 9. Низони хал қилиш тартиби

**9.1.** Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввал тарафларнинг келишуви билан хал қилинади.
**9.2.** Тарафларнинг келишуви билан хал қилиб бўлмайдиган низолар конун хужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди оркали хал қилинади.

## 10. Бошқа холатлар

**10.1.** Ушбу шартнома ва унга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан тасдикланиб, мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олингандан кейин кучга киради.
**10.2.** Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган холда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.
**10.3.** Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб икки нусхада тузилган.
**10.4.** Тарафларнинг бошка талаблари:__________________________________________
**10.5.** Шартномага илова:________________________________________________

**"СОТУВЧИ"**

| Хушнудбек Шайдо оилавий корхонаси | |
|---|---|
| Манзил: | Урганч тумани Юкорибоғ қиш. |
| Телефон: | |
| Х/Р: | 20208000100494669001 |
| Банк: | "Микрокредит" банк Қоровул фил. |
| МФО: | 00570 |
| ХХТУТ: | |
| ИНН: | 303385341 |
| Тел/Факс | |

"XUSHNUDBEK SHAYDO" OILAVIY KORXONASI

М.Ў. __________ **Ш.Худайберганова**
(имзо) (Ф.И.О.)

юрист

**"ХАРИДОР"**

| Юқумли касалликлар шифохонаси | |
|---|---|
| Манзил: | Урганч ш Саноатчилар 116 |
| Телефон: | 224-51-78 |
| Х/Р: | 100021860334017073201054004 |
| Банк: | Марказий банк Тошкент |
| МФО: | 00014 |
| ХХТУТ: | 91511 |
| ИНН: | 203435764 |
| Тел/Факс | |

М.Ў. __________ З.Х. Мадримов
(имзо) (Ф.И.О.)